

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДГУ БИЛИГ” АСАРИДА
ШАРҚОНА ТАРБИЯ ВА КРЕАТИВЛИК ЎЙҒУНЛИГИ**
Феруза Абдуганиевна КАЮМОВА

магистр
Осиё ҳалқаро университети
Тошкент, Ўзбекистон
feruzakayutova07@gmail.com

Аннотация

Мақолада Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги педагогик критериялар, хусусан, шарқона тарбия миллий қадрият негизида бадиий ифода этилганлиги ҳақида фикр юритилган. Асарда дидактик тасвирнинг ўзига хослиги, унинг баркамол шахс тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти кабилар қаламга олинган бўлиб, шоир достонидаги ҳикматли пандномалар ўрганилган. Индивиднинг шахсга айланишида тарбиянинг таъсири тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: дидактика, шарқона тарбия, педагогик асос, назария, фикр, қолип, ғоя, анъана.

**ГАРМОНИЯ ВОСТОЧНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ТВОРЧЕСТВА В
“ҚУТАДГУ БИЛИГ” ЮСУФА ХОСА ХАДЖИБА**

Феруза Абдуганиевна КАЮМОВА
магистр
Азиатский международный университет
Ташкент, Ўзбекистан
feruzakayutova07@gmail.com

Аннотация

В статье высказывается мнение о художественном выражении педагогических критериев достоинства, восточного воспитания по национальному признаку в произведении Юсуфа Ҳос Ҳаджиба «Қутадгу билиг». Выявлено своеобразие дидактического образа в произведении, его место и значение во всестороннем личностном воспитании, изучены мудрые уроки в произведении. Подчеркивается влияние воспитания на создание индивидуальной личности.

Ключевые слова: дидактика, восточное образование, педагогическая основа, теория, мысль, закономерность, идея, традиция.

Маълумки, сўз санъати, яъни бадиий адабиёт ҳаётнинг инъикоси бўлиб, унда ҳаёт воқеликлари бадиий хаёлот тўқималари билан бойитилиб, китобхон ҳукмига ҳавола этилади. Бунда башарият ҳаёти, ўй, фикр, туйғу ва кечинмалари тасдиқлаш ёки инкор қилиш йўли билан тасвирланадики, натижада муайян асарда акс эттирилган образ, тимсол, қаҳрамоннинг

кечинмалари, ҳис ва хислатлари, муҳаббати, нафрати, хуллас, ҳаётый фаолияти китобхонга ибрат ёки иллат сифатида кўрсатиб берилади. Бу жараёндан китобхон ўзи учун яхшиликка эргашиш ёки ёмонлиқдан қочиш каби муайян бир хulosага келади. Бирор асар орқали панд-насиҳат, ўгит-маслаҳат ғоялари илгари сурилар экан, уни ўқиган китобхон тегишли маънавий озуқа олади. Бу эса давр нуқтаи назаридан тарбиянинг янгиланишига, креативлик ҳосил бўлишига олиб келади. Масалан, “Кутадғу билиг”дан олинган (Байт Боқижон Тўхлиев табдили асосида ҳавола қилинди. Таъкид муаллифдан.) қўйидаги мисраларга эътибор қаратайлик:

Тилаган қулини сийласа Худо,

Унга давлат эмас, йўл берар аъло.

Мазкур мисраларни XI асрда ўқиган аждодлар ҳам, XXI асрда ўқиган, замонавий фикрлайдиган ёшлар ҳам умумий бир хulosага келади, яъни инсон ҳаётда моддий неъматлар ортидан қувиб, маънавий дунёсидан айрилмасин, аслида, Аллоҳ суйган бандасини мол-давлат билан эмас, балки буюк амал билан сийлайди, деган пурмаъно ҳикмат байтнинг умумий мағзини ифода этган.

Бунда XI аср башариятининг XXI аср ёшлари тафаккури, тасаввuri албатта, бир-биридан катта фарқ қиласи. Давр ўтиши билан тарбияланувчининг зеҳни, онг-шуури, тасаввур ва тафаккурида ҳам ўзгаришлар рўй бериб, унинг шахс ва индивидлик хусусиятларидан янги шаҳобчалар ҳосил қиласи. Ёшлар тарбиясида миллий-маънавий бойликларимиз, этнографик қадриятларимиз, хуллас, “Кутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) каби дидактик асарлар асосий ўрин тутса, уларнинг таълим-тарбиясида, шахсий интеллектуал салоҳиятида прогрессив – ижобий ривожланиш тенденцияси юз беради. Улар ўзи ва атрофидагиларнинг ҳар бир фаолиятига танқидий, креатив назар ташлайди. Аксинча, оммавий маданият таъсиридаги виртуал оламга муте бўлган, асл ўзлигидан, миллий қиёфасидан узоқлашган, мухтасар айтганда, ҳеч бўлмаса, бува ва бувисидан эзгуликка ундовчи эртак эшитмай, интернет тарбиялаган

ёшларда эса регрессив – салбий ривожланиш тенденцияси бўй кўрсатиши сўнгги йилларда яққол намоён бўлмоқда.

Шоирнинг дидактик асарларида илгари сурилган маъно-мазмун, яъни қаноатли бўлишга ундаш, моддий неъматларга эмас, маънавий, маданий-маърифий бойишга интилиш гояси асрлар мобайнида тубдан ўзгармаса-да, уни ўқиган ҳар бир ёш ўзи яшаган даврдан келиб чиқиб, ундан янги-янги маъно-мазмун олади, ўз феъли, ички олами, руҳонияти, тийнатига танқидий кўз билан қарайди. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар онг-у шуурида ўзига, ўз тарбиясига, керак бўлса, таълимiga нисбатан креатив муносабатни ўйғотишига хизмат қиласди.

Ҳаётни тасдиқлаш йўли билан ёзилган, Шарқ дидактикасининг олтин тожи саналмиш Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асари XI асрда яратилган бўлса-да, бугунги кунда ҳам ўзининг тарбиявий, фалсафий, таълимий, ахлоқий, панд-насиҳатга йўғрилганлик хусусиятлари билан илмий-педагогик, фалсафий-психологик аҳамиятини йўқотгани йўқ, чунки бу нодир дидактик асар туркий халқларнинг ўзлиги, ички “мен”идаги ўзига хосликни ўзида тўла намоён этибина қолмай, ҳақиқий шарқона таълим-тарбиянинг узоқ тарихий илдизи вазифасини ҳам бажаради. Бундан англашиладики, Шарқ педагогикаси нодир дидактик асарлар негизида вужудга келган ва асрлар давомида камол топган.

Маълумки, XI асрда ёзилган, давр ҳукмдори қорахоний султон Табғач улуғ Буғро Қорахонга бағишланган Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” достони туркий халқларнинг соф таълимий, педагогик қарашлари исломий эътиқод таъсирида янада мукаммал кўринишга келган бир даврда яратилган, аммо уни тамоман шарқона тафаккур маҳсули, фақат туркий қавмлар учун мўлжалланган дейиш ноўрин, чунки унда умуминсоний қадрият саналмиш тарбия, кишини етукликка элтувчи пурҳикмат насиҳатлар, реал воқеликка асосланган қисқа эпизодли бадиий лавҳалар, когнитивлик асосига қурилган мулоқот маданияти кабилар ёрқин акс эттирилганки, натижада бу асар Шарқда кенг шухрат таратди. Шунинг учун ҳам, асарнинг тарқалиш

географияси қисқа муддатда кенгайиб, ўз даврида хитойликлар уни “Адаб ул-мулук” (“Подшохлар одоби”) ёки “Амин ул-мамлакат” (“Мамлакат омонликлари”), туркий салтанат улувлари “Зийнат ул-умаро”, “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) ёки “Пандномайи мулук” (Подшохлар пандномаси), эронликлар эса “Шаҳнома”и туркий”, – дея эъзозлашди.

Достон – соф бадиий асар саналса-да, унда педагогиканинг шарқ дунёсидаги эволюциясига доир ноёб қарашлар мавжуд. Зеро, унда шахс камолотидаги уч асосий омил: ижтимоий жамият, табиат ва тарбиянинг ўрни хақида ноёб бадиий-педагогик фикрлар илгари сурилган. Бу эса асарнинг педагогик нұқтаи назардан долзарбелигини яна бир бор исботлайди.

Чунончи, педагогиканинг олтин қоидасига кўра, “... одам шахсининг жамиятдаги ривожланиши табиат, муҳит ва инсоннинг ўзи ўртасида рўй беради, инсон уларга фаол таъсир этади ва шу йўл билан ҳаётини ҳамда ўз табиатини ўзгартиради” [7;35].

“Қутадғу билиг” достонида ҳам бекнинг, хусусан, шахснинг ижтимоий муҳит ва ўз ўзига бўлган муносабатига доир қарашлар акс эттирилган.

Жумладан, унда шахс тарбияси, жамиятдаги ўрни, комиллик шартлари, умрини бекорга ўтказмаслик, турли ижтимоий табақага мансуб касб-кор эгаларининг маънавий-ахлоқий мезонлари, давлатчиликнинг қатъият ва тамойиллари тасвирнинг асосий йўналишини белгилаган, бу ғояларнинг бари бадиий бўёқ ва тимсолларга бурканган ҳолда тақдим этилса-да, дидактик қарашлар таъсирчанлиги, самарадорлиги педагогик қадриятлардан оқилона фойдаланилганлигини кўрсатиб беради. Асарда мусулмон оламида оила муқаддаслиги, оиласа отанинг ўрни ва вазифалари хусусида ҳам нодир маълумотлар келтирилган:

Яна яхии айтган бир турк раҳбари:

“Ўғил-қиз – кўрап кўз нури, гавҳари”.

Фарзандлар ташвиши – бу тубсиз денгиз,

Саргайтирап қизил юзни ўғил-қиз.

Кимнинг ўғил-қизи, оиласи бор,

*Қандайин тин олсин у, ороми бекор.
Фарзандлар туфайли ота чекар ғам,
Ота қадрин билур фарзандлар-чи кам [6;110-111].*

Англашиладики, адид бу мисралари орқали оила қўргони олий қадриятлигини, ундаги ота ва фарзанд муносабатларини Шарқ менталитетининг ўзаги эканлигини таъкидлаган. Бу орқали эса ёшлар тарбиясида отага бўлган меҳр-мухаббат, иззат-эҳтиромни шакллантиришга бевосита туртки берган. Отанинг фарзанд учун нечоғлик саъй-ҳаракат қилишини: “Фарзандлар ташвиши – бу тубсиз денгиз”, – дея эркин ўхшатиш орқали маҳорат билан тасвирлайдики, китобхон қўз ўнгига жонли бадий лавҳа намоён бўлади. Бунда мисраларнинг гўзал бадийлиги ва дидактик салмоғи асарнинг педагогик, психологик ва фалсафий хусусиятларини намоён этади.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида шарқона тарбияда ёш авлод тафаккурини насиҳатлар билан бойитишни бош омил ҳисоблаб, киши онгига креатив фикрлашни шакллантирадиган бир қатор касб вакиллари, жумладан, подшоҳлар, беклар, вазирлар, лашкарбошилар, элчилар, хазиначилар ва котиблар қандай сифатларга эга бўлиши лозимлигини асардаги энг фаол қаҳрамон – Ўгдулмиш ва қаноат-офиият рамзи бўлган Ўзғурмишнинг пурмаъно сухбати воситасида ифода этади.

Бу айтимларни ўқиган китобхон тафаккурида ўз келажагига бефарқ бўлмаслик, ҳаётда ўз ўрнини топиш, улуғ мақсадларни кўзлаш, ҳаётда истиқболли режа тузиш кабилар ривожлана боради. Масалан, доно Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга элчи (буғунги кунда дипломат) қандай хусусиятларга эга бўлмоғи кераклигини баён қилиши диққатга сазовор:

*Турли касб-ҳунарда эр бўлса тугал,
Ҳар ерда ёруғ юз бўлар ҳар маҳал.
Китоблар ўқир ҳам билур бўлса соз,
Шеър уқса, таъби ҳам келишиса бироз.
Нужум билса, тиб ҳам йўя билса туши,*

*Таъбира ҳаётга түгри келса, хуи.
Хисоб-у ҳандаса илмин ҳам билса,
Илдиз сон, масофа ҳисобин қилса.

Яна мард, шатранждан бўлса хабардор,
Рақибларин мудом мот қилса тор-мор.
Кўп тилда бемалол сўз этса баён,
Хат ёзса, бўлса кўп хат унга аён.

Шундайин ҳунарманد бўлса ким – бекам,
Бу элчи тилакка этади ҳар дам [6;224-225].*

Кўринадики, бўлғуси элчи – дипломат “Бир йигитга қирқ ҳунар оз” нақлига монанд камол топиши, кўп китоб ўқиши, шеъриятнинг нозик ифодаларини илғай олиши, илми нужум – юлдузшуносликдан хабардор бўлиши, ҳисоб-китобда пухта бўлиши, турли ёзувлардаги хатни ўқий олиши ва энг асосийси, полиглот, яъни кўп тилни билиши лозимлиги каби сифатлар шарқона дидактикага ўраб тасвирланганки, унда ёшларни креатив фикрлашга, ўз устида ишлашга, халқаро тилларни ўрганишга, хуллас, ҳар томонлама етук, баркамол шахс бўлишига даъватни, миллий чақириқни англаш қийин эмас.

Хуллас, Шарқнинг миллий анъаналарини ўзида мужассам этган “Қутадғу билиг” достонида шарқона тарбия миллий қадрият негизида жозибадор поэтик воситалар орқали бадиий ифода этилганки, ундаги бадиий жилодорлик асарнинг осон идрок этилишига хизмат қиласди. Асадаги дидактик тасвирнинг ўзига хослиги, унинг баркамол шахс тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти, ҳикматли пандномалардаги ғоявийлиги бугунги кунда ҳам ўз салмоғини йўқотгани йўқ, шунинг учун бу нодир манба – “Қутадғу билиг” аслиятга, миллий ўзликка чорлаши билан ажралиб туради, шубҳасиз, бугунги мафкуравий майдонда онгу қалб “эмчи”си – табиби бўлиб хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
2. Йўлдошев Қ. Очқич сўз. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – 687 б.
3. Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – 461 б.
4. Ходжаев Б.Х. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Сано-стандарт, 2017. – 417 б.
5. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 480 б.
6. Ҳожиб, Юсуф Ҳос. Қутадғу билиг. /Ф.Равшанов табдили асосида. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 540 б.
7. Ҳасанбоев Ж, Тўрақулов Ҳ.А, Алқаров И.Ш, Усманов Ў.Н. Педагогика. – Тошкент: Ношир, 2016. – 456 б.